

“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти
Ягона акциядорининг
5 – сонли қарори

2025 йил “ 21 ” ноябрь

Тошкент шаҳри

“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда – Жамият) барча 15 077 622 574 дона акциялари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тегишли бўлиб, Жамиятнинг Ягона акциядори ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига асосан, Жамият Устави ҳамда Кузатув кенгашининг 2025 йил 24 октябрдаги 19 - сонли йиғилиш баённомасига мувофиқ, қуйидаги масала кўриб чиқилди:

КУН ТАРТИБИ:

Жамиятнинг 2025 йил якунлари бўйича МХХСга мувофиқ тайёрланган йиллик молиявий ҳисоботини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш.

Кун тартибидаги масала юзасидан:

Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 35-моддасига мувофиқ акциядорлик жамиятлари ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши лозимлиги белгиланган.

Шунингдек, Жамиятнинг МХХС мувофиқ 2025 йил якунлари бўйича тайёрланган ва аудиторлик текширувидан ўтказилган молиявий ҳисобот (2024 йил 31 декабрда тугаган йилга нисбатан солиштирама маълумотлар билан) Жамият акцияларини халқаро фонд бозорида бирламчи (IPO) оммавий таклифини ўтказиш орқали жойлаштиришнинг мажбурий қисми ҳисобланади.

Шунга кўра, Жамиятнинг мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилган 2025 йил 31 декабрь якунлари бўйича МХХСга мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботини IPO мақсадларида ўз вақтида тақдим этиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил

25 мартдаги “НКМК” АЖнинг халқаро фонд бозорларида иштирокини тезлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 180-сонли қарорининг (кейинги ўринларда - *Қарор*) 3-бандига мувофиқ аудиторлик ташкилотини Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган “Катта тўртлик” - PricewaterhouseCoopers, Deloitte, Ernst & Young ёки KPMG компаниялари ўртасида энг яхши таклифни танлаш орқали танлов ўтказишга рухсат берилган.

Шунингдек, Deloitte компаниясининг таклифи, улар томонидан ўтган йили ушбу хизматни учун уларга тўлаб берилган қийматга тенг бўлиб, хизмат нархи оширилмаган.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 59-моддаси ҳамда Жамият Уставининг 13.6-банди 23-кичик бандига мувофиқ, мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш Жамият Акциядорлари умумий йиғилиши ваколатига киритилган.

Юқоридагиларга кўра, кун тартибидаги масала юзасидан Жамиятнинг Ягона акциядори **қарор қилади:**

1. Жамият харид комиссиясининг 2025 йил 22 сентябрдаги ва Кузатув кенгашининг 2025 йил 24 октябрдаги 19 - сонли мажлис баённомалари маълумот учун қабул қилинсин.

3. Жамият харидларни ташкил этиш ва методологиясини такомиллаштириш бош бошқармаси (М.Амонов) “Deloitte and Touche” халқаро аудиторлик компанияси билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома имзоланишини таъминласин.

4. Мазкур қарор ижросини таъминлаш Жамият Бошқарув раиси – Бош директор Қ.С. Санакулов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт ва молия вазири
ўринбосари

 **Х. Мустафаев**